

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХОДЖАЕВА НОЗИМА ХАЙРУЛЛАЕВНА**

**ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИККА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА  
РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШ ВА ТИКЛАШ  
СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР  
ЁНДАШУВ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)**

**Ходжаева Нозима Хайруллаевна**

Онкологик касалликка чалинган беморларда  
репродуктив саломатликни сақлаш ва тиклаш  
стратегияларини ишлаб чиқишга  
мультидисциплинар ёндашув .....3

**Ходжаева Нозима Хайруллаевна**

Мультидисциплинарный подход к разработке  
стратегий сохранения и восстановления  
репродуктивного здоровья у онкологических пациенток .....33

**Khodjaeva Nozima Khayrullayevna**

Multidisciplinary approach to strategy  
development for preserving and restoring  
reproductive health in cancer patients.....62

**Список опубликованных работ**

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

**List of published works.....68**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХОДЖАЕВА НОЗИМА ХАЙРУЛЛАЕВНА**

**ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИККА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА  
РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШ ВА ТИКЛАШ  
СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР  
ЁНДАШУВ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/Tib1053-сон рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий консультант:** **Каххаров Алишер Жамолиддинович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Захирова Наргиза Неъматовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Мамадалиева Яшнар Солиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Зуфарова Шахноза Алимжановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Мемориал Слоан Кеттеринг Онкология маркази (АҚШ)**

Диссертация ҳимояси 2025 й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда.

(2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли юбориш протоколи реестри).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш раис  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар бериш бўйича  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сўнгги ўн йилликларда онкологик патологияни ташхислаш ва даволашга ёндашувларнинг такомиллашуви натижасида саломатлик кўрсаткичларининг сезиларли даражада яхшиланиши кузатилмоқда, шунингдек, саратоннинг «ёшариш»га мойиллиги фертилликни сақлаш усулларини клиник амалиётга киритиш зарурлигини тақозо этмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...15 ёшдан 44 ёшгача бўлган беморлар энг юқори яшовчанлик кўрсаткичларига эга бўлиб, беш йиллик кўрсаткичлар ёшга боғлиқ ҳолда ўсманинг жойлашуви ва даволаниш жойига қараб 60 дан 82% гача ўзгариб туради»<sup>1</sup>. Адабиёт маълумотлари онкологик касалликларга чалинган беморларда репродуктив саломатликни сақлашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқишдаги динамик тараққиётдан далолат беради. Эришилган ютуқларга қарамай, кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган муҳим муаммолар бор бўлиб, уларга Ёрдамчи репродуктив технологияларнинг (ЁРТ) онкологик хавфсизлиги, даволашга фанлараро ёндашувни бирлаштириш зарурати ва барча беморлар учун юқори технологияларнинг мавжудлиги каби масалалар тегишлидир.

Дунёда фертилликни сақлаш соҳасида фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан саратоннинг ҳар хил турлари, уларнинг гистологик ва молекуляр-биологик хусусиятлари, шунингдек, касаллик босқичларининг тухумдон захиралари ҳолатига таъсири, тухумдон тўқималари намуналарини криоконсервация усулларини яхшилаш бўйича ишлар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш, онкологик хавфсизлик нуқтаи назаридан тухумдон тўқималарини баҳолаш учун иммуногистокимёвий панелни такомиллаштириш, шунингдек, фертилликни сақлаш дастурлари саратондан даволанаётган аёлларнинг ҳаёт сифатига қандай таъсир қилиши ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, хавфли ўсмалар билан касалланиш даражасини пасайтириш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш, диагностика ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш, диспансер ва уйда тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали моделларини ишлаб чиқиш, соғлом турмуш қуришни қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> олиш каби вазифалар белгилаб олинди. Бу вазифалар саратон касаллигига чалинган беморларда фертилликни хавфсиз сақлашнинг замонавий усулларини жорий этиш, тиббий ёрдам сифатини янги босқичга кўтариш, ушбу касалликдан ногиронлик ва ўлимни камайтириш имконини беради.

<sup>1</sup> Ferlay J, Ervik M, Lam F, Laversanne M, Colombet M, Mery L, Piñeros M, Znaor A, Soerjomataram I, Bray F (2024). Global Cancer Observatory: Cancer Today. Lyon, France: International Agency for Research on Cancer. Available from: <https://gco.iarc.who.int/today>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги № УП-60-сон «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқоти VI «Тиббиёт ва фармакология» республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.<sup>3</sup>**

Онкофертилик дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида ўтказилди, жумладан: MD Anderson Cancer Center (АҚШ), Memorial Sloan Kettering Cancer Center (АҚШ), Mayo Clinic (США), Dana-Farber Cancer Institute (АҚШ), Cleveland Clinic (АҚШ), The University of Texas Southwestern Medical Center (АҚШ), Johns Hopkins Hospital (АҚШ), University of California, Los Angeles (UCLA) (АҚШ), National Cancer Center (Япония), Gustave Roussy Cancer Campus (Франция), The Christie NHS Foundation Trust (Буюк Британия), Princess Margaret Cancer Centre (Канада), Peter MacCallum Cancer Centre (Австралия), Vall d'Hebron University Hospital (Испания), Deutsches Krebsforschungszentrum (DKFZ) (Германия), Н.Н. Александров номидаги Республика онкология ва тиббий радиология илмий-амалий маркази (Беларус Республикаси), Н.Н. Петров номидаги илмий тиббий тадқиқот маркази (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

Онкофертилик концепциясини ишлаб чиқиш соҳасида бир қатор йирик тадқиқотлар ўтказилган, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: болалар онкологиясида ўсмирларда онкофертилик дастурларини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган (University of Basel, Базель, Швейцария), автономия ва келажакдаги фертилик муаммолари ўрганилган (Vrije Universiteit Brussel,

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.mskcc.org](http://www.mskcc.org), [www.mdanderson.org](http://www.mdanderson.org), [www.hopkinsmedicine.org](http://www.hopkinsmedicine.org), [www.mayoclinic.org](http://www.mayoclinic.org), [www.clevelandclinic.org](http://www.clevelandclinic.org), [www.charite.de](http://www.charite.de), [www.ncc.go.jp](http://www.ncc.go.jp), [www.snuh.org](http://www.snuh.org), [www.petermac.org](http://www.petermac.org), [www.pumch.cn](http://www.pumch.cn), [www.pkucancer.com](http://www.pkucancer.com), [www.samsunghospital.com](http://www.samsunghospital.com), [medicine.cu.edu.eg](http://medicine.cu.edu.eg), [www.regionh.dk/righospitalet](http://www.regionh.dk/righospitalet), [www.ncis.com.sg](http://www.ncis.com.sg), [www.ronc.ru](http://www.ronc.ru), [new.nmicr.ru](http://new.nmicr.ru), [www.niioncologii.ru](http://www.niioncologii.ru), [www.cancercenter.uz/ru](http://www.cancercenter.uz/ru).

Брюссель, Бельгия), ёрдамчи репродуктив технологиялар ёрдамида аёллар фертиллигини сақлаб қолишни такомиллаштириш (University of Szeged, Albert Szent-Gyorgyi Medical School, Венгрия), овариэктомияда олинган ооцитларни *in vitro* етилтириш технологияларидан фойдаланган ҳолда репродуктив тизим органларида онкологик касалликлари бўлган беморларда фертилликни сақлаб қолиш масалалари (Россия Федерацияси).

Бугунги кунда дунёда онкофертилликка янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: онкологик амалиётда фертилликни сақлаб қолишни асослаш, тухумдон тўқимасини криоконсервация концепциясини ишлаб чиқиш, фертилликни сақлаб қолиш дастурларига киритиш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавжуд адабиётлар таҳлили онкологик ва бошқа касалликлардан даволанаётган аёлларда фертилликни сақлаш муаммоларини тушунишда сезиларли ютуқларга эришилганлигини кўрсатади (M. Lambertini, 2020). Кўпгина тадқиқотлар турли хил кимётерапия ва нур терапиясининг репродуктив тизимга таъсирини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, бу хавфларни башорат қилиш ва фертилликни сақлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда оптимал даволаш стратегияларини танлаш имконини беради (F. Cardoso 2019).

Бироқ, эришилган ютуқларга қарамай, муаммонинг айрим жиҳатлари етарлича ўрганилмаган бўлиб, буларга фертилликни пасайтиришга индивидуал мойиллик механизмлари, авлод саломатлиги учун криоконсервация усулларини қўллашнинг узок муддатли оқибатлари, шунингдек, репродуктив фаолиятини сақлашнинг янги, янада самарали ва хавфсиз усулларини ишлаб чиқиш зарурати тегишлидир (H. Irene Su et al. 2025).

Тадқиқотнинг долзарб йўналишлари криоконсервациянинг янги усулларини излаш, тухумдонларни шикастланишдан ҳимоя қилувчи фармакологик омилларни, шунингдек, турли хил ўсмаларнинг фертилликка ўзига хос таъсирини ва бепуштликнинг беморлар учун руҳий-ижтимоий оқибатларини чуқурроқ ўрганишдан иборат (Jensen A.K. 2015). Хулоса қилиб айтганда, сезиларли даражадаги ютуқларга қарамай, мавжуд усулларни такомиллаштириш ва ҳар бир беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволашга янги шахсий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида фертилликни сақлаш соҳасидаги тадқиқотлар давом этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хавфли ўсмаларнинг эпидемиологияси, ташхислаш ва даволаш соҳасида қуйидаги илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган: радикал цистэктомиядан кейин сийдик деривацияси усулини танлашнинг жарроҳлик ва физиологик жиҳатлари (Тилляшайхов М.Н. 2009), маҳаллий тарқалган сут беши саратонини даволашни такомиллаштириш йўллари (Алимходжаева Л.Т. 2011); кичик чанок аъзолари экзентерациясидан кейин маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида чанок тубини жарроҳлик йўли билан қайта тиклашга янги ёндашувлар (Захирова Н.Н. 2019), сут беши саратонини ташхислаш, даволаш ва прогнозлашда ўсма микромухитининг роли (Каххаров А.Ж. 2023). Бироқ онкологик беморларда фертилликни сақлаб қолиш имкониятлари ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация тугалланган олий ўқув юртининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Онкологик патологияни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш, оптималлаштириш ва жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган (давлат рўйхатдан ўтказиш рақами ККРНТ 011900250-сонли).

**Тадқиқот мақсади:** онкологик патологиянинг тухумдонлар резервига таъсирини комплекс баҳолаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган фертилликни сақлашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

онкологик жараён ва унинг хусусиятларининг тухумдон захираси кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

гистологик ва молекуляр-биологик варианты ва онкологик жараён босқичи ҳамда тухумдон захираси кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш;

тухумдон тўқималарини криоконсервация усулини ўзгартириш ва унинг самарадорлигини ўрганиш;

тухумдон тўқималарининг онкологик хавфсизлигини баҳолаш учун ИГК панелини такомиллаштириш;

беморларнинг ҳаёт сифатига фертилликни сақлаш дастурларини қўллаш таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти.** Диссертация иши 467 та кузатувлар таҳлилини ўз ичига олган кенг қамровли тадқиқотга асосланган. Онкологик жараённинг тухумдон захираси кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалига (РИОваРИАТМ ТШФ) ташхис қўйиш, даволаш ва диспансер назоратидан ўтиш учун мурожаат қилган сут беги саратони (СБС) ва Ходжкин лимфомаси (ХЛ) билан касалланган 18–45 ёшдаги 123 нафар беморнинг маълумотлари ўрганилди. Назорат гуруҳини худди шу ёшдаги 61 нафар соғлом аёллар ташкил этди. Диссертация ишининг ушбу қисмида даволашдан олдин аёлларнинг антрал фолликулалари ва гормонал ҳолатини (ФСГ, ЛГ, АМГ) баҳолаш амалга оширилди. Тухумдон тўқимасини криоконсервация усулларини қиёсий таҳлил қилиш учун 19 нафар беморнинг 48 та намунаси учта усул: стандарт криоконсервация, модификацияланган криоконсервация ва янги тухумдон тўқимасида IVF-М усули ёрдамида ўрганилди.

ИГК маркерлари панелини такомиллаштириш учун Республика патологик анатомия маркази, РИОваРИАТМ ТШФ ва «Premium diagnostic» хусусий клиникасидан олинган тухумдон метастазлари бўлган 104 нафар беморнинг гистологик намуналари 30 нафар беморнинг нормал тухумдон тўқимаси билан таққосланган.

Фертилликни сақлаб қолиш дастурларининг ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш учун асосий гуруҳлар шакллантирилди: бундай фертилликни сақлаб

қолиш дастурларидан ўтган 75 нафар аёл ва дастурларда иштирок этмаган назорат гуруҳидан 65 нафар аёл.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида лаборатория, нур, патоморфологик ва молекуляр-биологик тадқиқотлар маълумотлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида лаборатория, нур, патогистологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги онкологик касалликларга чалинган беморларда ёшига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўсманинг тухумдонларга тизимли таъсири сабабли, антрал фолликулалар сонининг камайиши ҳисобига тухумдон захирасининг муддатидан олдин камайиши кузатилганлиги исботланган;

онкологик жараённинг кечки босқичида ўсманинг паранеопластик фаоллиги ва тухумдонларнинг метастазлар билан бевосита тўғридан-тўғри зарарланиши туфайли ФСГ ва АМГ даражасининг пасайиши билан кечиши исботланган;

HER2neu мусбат ва уч қарра манфий сут беги саратонининг субтурлари биологик хусусиятлари ва тухумдон фаолиятига таъсир қилувчи омилларнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ равишда тухумдон захираси кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

Ходжкин лимфомасида умумий симптомларнинг (А тоифа) мавжудлиги ўсма жараёнининг гонадал фаолиятига таъсири, цитокинлар орқали билвосита таъсирлар ва тухумдон фолликуляр аппаратига токсик таъсир кўрсатиши билан боғлиқ равишда антрал фолликулалар даражасини пасайиши исботланган;

Ходжкин лимфомасида ўсма микро муҳитида цитокинлар ишлаб чиқарилиши ва нодуляр склероз билан боғлиқ равишда тухумдон захираси ва фолликулогенез кўрсаткичларининг пасайиши исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

онкологик жараённинг тухумдонлар захираси кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш фертиллигининг пасайиш хавфи бўйича беморларни аниқроқ табақалаштиришни таъминлайди ва фертилликни сақлаб қолиш дастурларини танлашда муҳим аҳамиятга эга;

ўсма турлари, уларнинг гистологик ва молекуляр-биологик вариантлари, шунингдек касаллик босқичлари ва тухумдон захираси кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш беморларда репродуктив натижаларни яхшилашга қаратилган индивидуал терапевтик ёндашувларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

тухумдон тўқимасини криоконсервация усулини такомиллаштириш муолажа самарадорлигини ошириш имконини беради;

тухумдон тўқималарининг онкологик хавфсизлигини баҳолаш учун иммуногистокимёвий панелни такомиллаштириш тухумдонларнинг кейинги трансплантацияси билан боғлиқ потенциал хавфларни янада ишончли мониторинг қилиш ва баҳолашни таъминлайди;

фертилликни сақлаш дастурларининг беморлар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш тиббий ёрдам кўрсатишни оптималлаштириш ва беморларни қўллаб-

қувватлашни яхшилаш бўйича клиник амалиёт учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради, бу эса уларнинг руҳий-ҳиссий ҳолатига ва даволанишдан умумий қониқишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** услубий ёндашув ва объектив клиник-функционал, лаборатория, нур, морфологик, иммунологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усуллари натижалари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Ушбу диссертация иши юқори илмий аҳамиятга эга, чунки у онкологик касалликларнинг тухумдон захирасига таъсирини чуқурроқ тушунишга қаратилган бўлиб, бу репродуктив онкология соҳасида янги назарияни ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин. Шу билан бирга, тухумдон тўқималарининг криоконсервациялашни модификациялаш ва онкологик хавфсизликни баҳолаш билан ташхислашни такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳадаги кейинги илмий ишланмалар учун янги ёндашувларни тақдим этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти онкологик беморларда фертилликни сақлаб қолишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу даволанишдан кейин ҳаёт сифатини ва репродуктив натижаларни яхшилаш имконини беради. Криоконсервациянинг такомиллаштирилган усуллари ва фертилликни сақлаб қолиш дастурини жорий этиш беморлар учун репродуктив технологияларнинг қулайлиги ва хавфсизлигини оширишга ёрдам беради. Тухумдон захирасини баҳолашга комплекс ёндашув ва клиник амалиётга янги протоколларни жорий этиш тиббиёт мутахассисларига фертилликни сақлаш бўйича янада асосли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, беморларнинг руҳий зўриқишини камайтириши ва уларнинг умумий саломатлигини яхшилаши мумкин.

**Тадқиқот натижаларини амалга ошириш.** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 октябрдаги 09/15 -сон қарорига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* фертил ёшдаги онкологик касалликларга чалинган беморларда ёшига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўсманинг тухумдонларга тизимли таъсири сабабли, антрал фолликулалар сонининг камайиши ҳисобига тухумдон захирасининг муддатидан олдин камайиши кузатилганлиги исботланган. Мазкур илмий янгилик 2025-йил 14-январдаги 3/1-сонли буйруқ асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Жиззах филиалидаги онкомамология бўлимида, шунингдек, 2025-йил 15-январдаги 9-Т- ва 10-Т-сонли буйруқлар асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Қашқадарё филиалидаги онкомамология бўлимида амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: тақлиф этилган онкофертилликни баҳолаш усули онкологик касалликка чалинган аёлларда тухумдон захирасининг муддатидан олдин камайишини аниқлаш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек, у репродуктив саломатликни сақлаш имкониятлари ва мавжуд хавфлар ҳақида хабардорлик даражасини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: онкологик беморларда фертилликни сақлаб қолиш ва тиклаш стратегияларини жорий этиш

онкологияга чалинган беморларда профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ва фертиллиқни қўллаб-қувватлаш орқали келажакда бепуштлиқни даволаш ва репродуктив технологияларга давлат бюджети харажатларини 25% га камайтириш имконини беради. Хулоса: онкологияга чалинган аёлларда тухумдонлар захирасининг эрта тугашини аниқлаш эрта аралашув стратегияларини ишлаб чиқиш, беморларнинг психоемоционал саломатлигини қўллаб-қувватлаш имконини беради, бу эса даволашни оптималлаштириш, беморларнинг касалхонада қолиш вақтини қисқартириш, узоқ муддатли тиббий харажатларни камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 25% тежаш имконини беради, бу соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

*иккинчи илмий янгилик:* онкологик жараённинг кечки босқичида ўсманинг паранеопластик фаоллиги ва тухумдонларнинг метастазлар билан бевосита тўғридан-тўғри зарарланиши туфайли ФСГ ва АМГ даражасининг пасайиши билан кечиши исботланган. Мазкур илмий янгилик 2025-йил 14-январдаги 3/1-сонли буйруқ асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Жиззах филиалидаги онкомамология бўлимида, шунингдек, 2025-йил 15-январдаги 9-Т- ва 10-Т-сонли буйруқлар асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Қашқадарё филиалидаги онкомамология бўлимида амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: таклиф этилган онкофертиллиқни баҳолаш усули онкологик касаллиги бўлган аёлларда тухумдон захирасининг муддатидан олдин камайишини аниқлаш беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек, у репродуктив саломатлиқни сақлаш имкониятлари ва мавжуд хавфлар ҳақида хабардорлик даражасини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: онкологик беморларда фертиллиқни сақлаб қолиш ва тиклаш стратегияларини жорий этиш онкологик беморларда профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ва фертиллиқни қўллаб-қувватлаш орқали келажакда бепуштлиқни даволаш ва репродуктив технологияларга давлат бюджети харажатларини 25% га камайтириш имконини беради. Хулоса: онкологияга чалинган аёлларда тухумдонлар захирасининг эрта тугашини аниқлаш эрта аралашув стратегияларини ишлаб чиқиш, беморларнинг психоемоционал саломатлигини қўллаб-қувватлаш имконини беради, бу эса даволашни таққомиллаштириш, беморларнинг касалхонада қолиш вақтини қисқартириш, узоқ муддатли тиббий харажатларни камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 25% тежаш имконини беради, бу соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

*учинчи илмий янгилик:* HER2neu мусбат ва уч карра манфий сут беги саратонининг субтурлари биологик хусусиятлари ва тухумдон фаолиятига таъсир қилувчи омилларнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ равишда тухумдон захираси кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши исботланган. Мазкур илмий янгилик 2025-йил 14-январдаги 3/1-сонли буйруқ асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Жиззах филиалидаги онкомамология бўлимида,

шунингдек, 2025-йил 15-январдаги 9-Т- ва 10-Т-сонли буйруқлар асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Қашқадарё филиалидаги онкомамология бўлимида амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: сут беzi саратонининг HER2neu мусбат ва уч қарра манфий кичик турларининг тухумдон захираси кўрсаткичларига салбий таъсирини аниқлаш саратоннинг ушбу тури билан касалланган аёлларнинг репродуктив саломатлигини қўллаб-қувватлашнинг янада мақсадга йўналтирилган стратегияларини ишлаб чиқишга имкон беради, бу эса беморларнинг хавфлар тўғрисида хабардорлигини оширишга, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва оналик имкониятини сақлаб қолиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: ушбу кашфиётнинг жорий этилиши бепуштликни даволаш ва ёрдамчи репродуктив технологиялар учун молиявий харажатларни камайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида ресурсларни тақсимлашни оптималлаштириш имконини беради. Ўз вақтида ташхис қўйиш ва фертиллиқни қўллаб-қувватлаш онкологияга чалинган беморларда бепуштликни даволаш билан боғлиқ узок муддатли харажатларни 30 фоизга сезиларли даражада камайтириши мумкин. Хулоса: сут беzi саратонининг HER2neu мусбат ва уч қарра манфий кичик турларининг тухумдон захираси кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга асосланган усулларни жорий этиш нафақат саратоннинг ушбу шакллари билан касалланган аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, балки бепуштликни даволаш учун иқтисодий харажатларни камайтиришга ёрдам беради, бу эса соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини оширади ва даволанишни таққомиллаштириш, беморларнинг касалхонада қолиш вақтини қисқартириш, узок муддатли тиббий харажатларни камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш орқали 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 25% тежаш имконини беради, бу эса соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

*тўртинчи илмий янгилик:* Ходжкин лимфомасида умумий симптомларнинг (А тоифа) мавжудлиги ўсма жараёнининг гонадал фаолиятига таъсири, цитокинлар орқали билвосита таъсирлар ва тухумдон фолликуляр аппаратига токсик таъсир кўрсатиши билан боғлиқ равишда антрал фолликулалар даражасини пасайиши исботланган. Мазкур илмий янгилик 2025-йил 14-январдаги 3/1-сонли буйруқ асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Жиззах филиалидаги онкомамология бўлимида, шунингдек, 2025-йил 15-январдаги 9-Т- ва 10-Т-сонли буйруқлар асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Қашқадарё филиалидаги онкомамология бўлимида амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: Ходжкин лимфомасида умумий аломатларнинг мавжудлиги ва антрал фолликулалар даражасининг пасайиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш тиббиёт мутахассисларига беморларнинг репродуктив саломатлигини янада самарали мониторинг қилиш имконини беради, бу эса аёлларни уларнинг фертиллиги учун потенциал хавфлар ҳақида яхшироқ хабардор қилишга ёрдам беради ва уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича чоратадбирларни ўз вақтида амалга ошириш имконини беради. Иқтисодий

самарадорлиги: Ходжкин лимфомаси бўлган аёлларда гонадал фаолиятини эрта аниқлаш ва тузатиш бепуштликни кеч даволаш учун юқори харажатларни олдини олади, бу эса соғлиқни сақлаш тизимида ресурслардан фойдаланишни сезиларли даражада оптималлаштиради ва давлат бюджетини 20% га тежайди. Хулоса: Ходжкин лимфомасининг умумий белгилари ва антрал фолликулалар даражасининг пасайиши ўртасидаги исботланган боғлиқлик онкологияда аёлларнинг репродуктив саломатлигини қўллаб-қувватлашга комплекс ёндашувни жорий этиш зарурлигини таъкидлайди, бу нафақат беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, балки соғлиқни сақлашга бўлган иқтисодий юкламаларни камайтиради, даволашни оптималлаштириш, беморларнинг касалхонада қолиш вақтини қисқартириш орқали ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини 25% тежаш имконини беради.

*бешинчи илмий янгилик:* Ходжкин лимфомасида ўсма микро муҳитида цитокинлар ишлаб чиқарилиши ва нодуляр склероз билан боғлиқ равишда тухумдон захираси ва фолликулогенез кўрсаткичларининг пасайиши исботланган. Мазкур илмий янгилик 2025- йил 14-январдаги 3/1-сонли буйруқ асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Жиззах филиалидаги онкомамология бўлимида, шунингдек, 2025-йил 15-январдаги 9-Т- ва 10-Т-сонли буйруқлар асосида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт марказининг Қашқадарё филиалидаги онкомамология бўлимида амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: Ходжкин лимфомасида нодуляр склерознинг тухумдон захираси кўрсаткичларига таъсирини исботлаш тиббиёт мутахассисларига аёлларнинг репродуктив саломатлиги учун хавфларни ўз вақтида аниқлаш ва баҳолаш имконини беради, уларга оилани режалаштириш ва фертиллиқни сақлаш имкониятларига янада хабардорлик ёндашувини таъминлайди. Иқтисодий самарадорлиги: ушбу илмий янгиликнинг жорий этилиши бепуштликни даволаш харажатларини камайтиришга олиб келиши мумкин, чунки эрта ташхис қўйиш ва тухумдон захирасини сақлаш жараёнига аралашув келажақда ёрдамчи репродуктив технологияларга 25% юқори харажатларни олдини олишга ёрдам беради. Хулоса: Ходжкин лимфомасида нодуляр склероз ва тухумдонлар захирасининг пасайиши ўртасидаги аниқланган боғлиқлик онкологиянинг ушбу шаклига чалинган аёлларнинг репродуктив саломатлигини бошқаришга комплекс ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди, бу уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва соғлиқни сақлаш тизимида молиявий юкламаларни камайтиришга ёрдам беради, даволашни оптималлаштириш, беморларнинг касалхонада қолиш вақтини қисқартириш ҳисобига ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини 25% тежаш имконини яратади.

**Н.Х. Ходжаеванинг «Онкологик беморларда репродуктив саломатликни сақлаш ва тиклаш стратегиясини ишлаб чиқишда мултидисциплинар ёндашув»** мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 6 та илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент давлат стоматология институтининг 2025 йил 18 мартдаги 01-938-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та методик тавсияномалар, 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Материалнинг матн ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Онкологик беморларда репродуктив саломатликни сақлашнинг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида хавфли ўсмаларнинг замонавий эпидемиологик ҳолати, фертилликни сақлаш ва тиклашнинг замонавий турлари, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган. Репродуктив тиббиёт соҳасидаги муаммолар ва ютуқлар муҳокама қилиниб, онкологик беморлар дуч келаётган муаммолар тасдиқланди. Бобда криоконсервация ва ооцитларнинг *in vitro* етилиши каби турли ёндашувлар, шунингдек, хавфсизлик масалалари ва тухумдон тўқималарини криоконсервация қилишнинг ахлоқий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг тавсифи» деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган. Бу ерда клиник материалнинг тавсифи, шу жумладан 467 та кузатув таҳлили келтирилган. Бобда ультратовуш текшируви ва гормонал таҳлил каби тухумдон захирасини баҳолаш учун қўлланилган усуллар тавсифланган. Тадқиқот объекти ва предмети, риоя қилинган ахлоқий меъёрлар аниқланади. Маълумотларни статистик таҳлил қилиш усуллари ҳам муҳокама қилинади.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун диссертация тадқиқоти бир неча босқичларга бўлинган. Онкологик жараённинг тухумдон захираси кўрсаткичларига таъсири масаласини ҳал қилиш учун РИОваРИАТМ ТШФ даволанаётган СБС ва ХЛ билан касалланган 18–45 ёшдаги 123 нафар бемор

иштирок этди. Назорат гуруҳини худди шу ёшдаги 61 нафар соғлом аёллар ташкил этди. Тухумдон захирасини баҳолаш антрал фолликулалар сонини аниқлаш учун УТТ ёрдамида, шунингдек, онкологик даволанишни бошлашдан олдин гормонал профилни (ФСГ, ЛГ, АМГ) таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Тухумдон тўқималарини криоконсервация қилишнинг турли усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш учун 19 нафар бемордан олинган намуналарда (жами 48 та намуна) тадқиқот ўтказилди. Учта усулдан фойдаланилди: стандарт криоконсервация (n=19), модификацияланган криоконсервация (n=19) ва янги тўқима учун (n=19) IVF-M усули.

Самарадорликни баҳолаш олинган ооцитлар сифатини таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилди. ИГК маркерлари панелини такомиллаштириш учун Республика патологик анатомия маркази (2000–2024 йй.) ва «Premium diagnostic» хусусий клиникасидан олинган тухумдон метастазалари бўлган 104 нафар беморнинг гистологик намуналаридан, назорат сифатида 30 нафар беморнинг нормал тухумдон тўқимасидан фойдаланилди.

Фертилликни сақлаш дастурларининг ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш учун иккита гуруҳ шакллантирилди: асосий гуруҳ (фертилликни сақлаш ва тиклаш дастурларидан ўтган 75 нафар аёл) ва назорат гуруҳи (бундай дастурларда иштирок этмаган 65 нафар аёл).

Ушбу тадқиқотда тавсифланган барча муолажалар Хельсинки декларациясига мувофиқ амалга оширилди. Барча тадқиқот иштирокчиларидан тадқиқот мақсадлари, тартиби ва эҳтимолий хавфлар ҳақидаги тушунчаларини, шунингдек, уларнинг ихтиёрий иштирокини тасдиқловчи ёзма шаклда розиликлари олинган. Тадқиқот иштирокчилари маълумотларининг махфийлиги маълумотларни анонимлаштириш ва уларни шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш қоидаларига мувофиқ сақлаш орқали таъминланди.

Тухумдон тўқималарини криоконсервация учун олиш тухумдонлар қобиғи биопсияси, баъзи ҳолларда «Mediofarm ЕКО» клиникаси шароитида тухумдон резекцияси ёки овариэктомиядан иборат бўлган. Тухумдон тўқималарини ташиш 2–8°C ҳароратни сақлайдиган махсус контейнерлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Лапароскопик тарзда криоконсервация учун олинган тухумдон тўқимаси онкохавфсизлик бўйича баҳоланди. Сут беши саратони (СБС) ташхисини қўйиш учун 2017 йилдаги 8 таҳрирдаги TNM таснифидан фойдаланилди. Ўсмаларнинг морфологик таснифи ЖССТнинг 2017 йилдаги таснифига мувофиқ амалга оширилди.

TNM таснифига қўшимча равишда ўсманинг биологик хатти-ҳаракатларини тавсифлаш учун эстрогенлар (ER), прогестерон (PR) ва HER2neu рецепторларидан фойдаланилган, уларнинг ифодаланишига қараб СБС люминал А, люминал В, HER2neu ижобий ва уч қарра салбий кичик турларга бўлинган. ХЛнинг таснифи касалликнинг гистологик тури ва клиник босқичига асосланган ЖССТнинг 2017 йилдаги таснифига мувофиқ амалга оширилди. Гистологик тури ЖССТ мезонларига мувофиқ ўсма хужайраларининг морфологик ва иммунофенотипик хусусиятлари асосида аниқланди. Клиник босқич Ann Arbor босқичлаштириш тизимига мувофиқ белгиланди. Онкологик

патологияни ташхислаш ва даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги стандартларига мувофиқ амалга оширилди.

ЭКО муолажаси «Mediofarm ЕКО» клиникаси шароитида ESHRE ва ASRM тавсияларига мувофиқ амалга оширилди. Тадқиқотимизда Kitazato компанияси томонидан ишлаб чиқилган SK-IVMC муҳити асосида овоцитларнинг in vitro етилиши (IVF-M) усулидан фойдаланилди. Тухумдон тўқималарини витрификациялаш ва иситишнинг стандарт усулида очик тизим ва Ova Cryo Device Type M қурилмасидан фойдаланилди. Тухумдон тўқималарини витрификациялаш ва иситишнинг модификацияланган усулида ёпиқ тизим ва махсус Ova Cryo Sheetsдан фойдаланилди. Ооцитларнинг сифати ва етуклик босқичини баҳолаш учун морфологик хусусиятларни таҳлил қилиш асосида автоматик таснифлаш усули қўлланди. Ооцитларни ўрганиш ва кейинги таснифлаш ёруғ майдон ва фаза контрасти учун (Nikon Corporation, Япония) тадқиқот синфидаги Nikon Ts2R тескари тасвирли микроскоп воситасида олинган микроскопик тасвирларда амалга оширилди.

Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун FACT-G (Functional Assessment of Cancer Therapy – General), 4-версия ва фертиликни сақлаш дастурларининг беморларнинг ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш учун FertiQOL (2008) валидация қилинган сўровномадан фойдаланилди. Маълумотларнинг статистик таҳлили SPSS 23-версияси дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилди, бу эса натижаларнинг юқори даражадаги аниқлиги ва ишончлилигини таъминлади.

Диссертациянинг «Онкологик жараённинг беморларнинг тухумдон захираси кўрсаткичларига таъсири» деб номланган учинчи бобида СБС ва ХЛ каби онкологик касалликларнинг тухумдон захирасига таъсири таҳлил қилинган. Ушбу бобда антрал фолликулалар сони, ФСГ, ЛГ ва АМГ даражаси ўрганилган, шунингдек, тухумдон захираси кўрсаткичлари ва ёш ўртасидаги корреляциялар, молекуляр-биологик кичик турларнинг репродуктив саломатлик ҳолатига таъсири таҳлил қилинган. Натижалар ва уларни даволашни режалаштиришдаги аҳамияти муҳокама қилинган.

## 1-жадвал

### Тадқиқот гуруҳига қараб тухумдон захираси кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Тоифалар	Тадқиқот гуруҳи			p
		Me	Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub>	n	
Антрал фолликулалар сони	Асосий гуруҳ	6,00	4,00 – 8,00	123	< 0,001*
	Назорат гуруҳи	9,00	5,00 – 11,00	61	
ФСГ (mIU/ml)	Асосий гуруҳ	6,90	5,70 – 13,95	123	0,001*
	Назорат гуруҳи	6,40	3,80 – 8,40	61	
ЛГ ((mIU/ml)	Асосий гуруҳ	5,40	4,30 – 10,05	123	0,661
	Назорат гуруҳи	5,40	4,60 – 6,30	61	
АМГ (ng/ml)	Асосий гуруҳ	2,40	0,70 – 3,10	123	0,017*
	Назорат гуруҳи	2,70	1,30 – 3,90	61	

\*–Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга (p < 0,05)

1-жадвалда келтирилган тадқиқот гуруҳига қараб тухумдон захираси кўрсаткичини таҳлил қилиш натижасида қизиқарли ва аҳамиятли натижалар аниқланди.

Антрал фолликулалар сонини таққослаш шуни кўрсатадики, асосий гуруҳда ўртача қиймат 6,00ни ташкил этди, квантиллараро оралиқ 4,00 дан 8,00 гача. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич юқори бўлиб, 9,00 ( $Q_1-Q_3$ : 5,00–11,00) ни ташкил этди, бу статистик жиҳатдан аҳамиятли фарққа олиб келди ( $p < 0,001$ ). Бундан шу нарса маълум бўладики, онкологик касалликнинг мавжудлиги антрал фолликулаларнинг пайдо бўлиши ва сонига салбий таъсир кўрсатади, бу эса фертилик учун ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ФСГ кўрсаткичи бўйича ўртача қийматлар ҳам гуруҳлар ўртасидаги фарқларни кўрсатди. Асосий гуруҳда ФСГ даражаси 6,90 mIU/ml ( $Q_1-Q_3$ : 5,70–13,95) ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса у пастроқ эди — 6,40 mIU/ml ( $Q_1-Q_3$ : 3,80–8,40), с  $p=0,001$ . Асосий гуруҳда АМГ миқдори таҳлил қилинганда, 2,40 ng/ml ( $Q_1-Q_3$ : 0,70–3,10) кўрсаткичи аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 2,70 ng/ml ( $Q_1-Q_3$ : 1,30–3,90)ни ташкил этди. Ушбу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб чиқди ( $p=0,017$ ), бу ҳам онкологик касалликларнинг тухумдон захирасига таъсирини тасдиқлайди. Шу билан бирга, иккала гуруҳдаги ЛГ қийматлари бир хил эди – 5,40 mIU/ml, бу статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқлигига олиб келди ( $p=0,661$ ). Шундай қилиб, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, онкологик касалликларнинг мавжудлиги антрал фолликулалар сони, ФСГ ва АМГ даражаси каби тухумдон захираси кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. СБС ва ХЛга чалинган аёлларда репродуктив фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва даволашни режалаштиришда ушбу фарқларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Тухумдон захираси кўрсаткичи ва ёш ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг корреляцион таҳлили амалга оширилди.

## 2-жадвал

### Иккала гуруҳ ўртасида тухумдон захираси кўрсаткичи ва ёш ўртасидаги боғлиқликнинг корреляцион таҳлили натижалари

Кўрсаткичлар	Корреляцион алоқалар тавсифи		
	$\rho$	Чеддок шкаласи бўйича алоқалар зичлиги	p
Антрал фолликулалар сони – ёши	-0,126	Заиф	0,134
ФСГ (mIU/ml)– ёши	0,308	Ўртача	< 0,001*
ЛГ (mIU/ml)– ёши	0,566	Сезиларли	< 0,001*
АМГ (ng/ml)– ёши	-0,340	Ўртача	< 0,001*

\*–Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ( $p < 0,05$ )

Иккала гуруҳ ўртасида тухумдон захираси кўрсаткичлари ва ёш ўртасидаги боғлиқликни корреляцион таҳлил қилиш жараёнида 2-жадвалда келтирилган натижалар олинди.

Тадқиқотдан маълум бўлишича, касаллик босқичи тухумдон захирасининг турли параметрларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, аниқланган маълумотларга кўра, СБСнинг ривожланиши тухумдон захирасининг барча ўрганилган кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Касалликнинг кейинги босқичларида антрал фолликулалар сони ва АМГ миқдорининг камайиши, ФСГ ва ЛГ миқдорининг ортиши онкологик касалликлар муҳитида аёлларда репродуктив функция ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Ушбу натижалар клиник мониторинг ва даволашни режалаштиришда, шунингдек, беморлар билан фертилик масалаларини муҳокама қилишда фойдали бўлиши мумкин.

Молекуляр-биологик кичик турга қараб тухумдон захираси кўрсаткичи таҳлили ўтказилди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

#### Молекуляр-биологик кичик турга қараб тухумдон захираси кўрсаткичи таҳлили

Кўрсаткичлар	Тоифалар	Молекуляр-биологик кичик тур			p
		Me	Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub>	n	
Антрал фолликулалар сони	HER2neu ижобий	5,00	3,25 – 6,75	18	< 0,001* p <sub>N-HER2neu ижобий</sub> = 0,004 p <sub>N/A-N</sub> = 0,006 p <sub>Люминал А-N</sub> = 0,015 p <sub>уч қарра салбий-N</sub> < 0,001
	N	9,00	5,00 – 11,00	61	
	Люминал А	6,00	1,00 – 7,50	15	
	Люминал В	7,50	5,25 – 9,00	26	
	Уч қарра салбий	4,00	2,00 – 6,00	21	
ФСГ (mIU/ml)	HER2neu ижобий	10,75	6,20 – 15,25	18	0,002* p <sub>уч қарра салбий-N</sub> = 0,006
	N	6,40	3,80 – 8,40	61	
